
9 апрель-Соҳибқирон Амир Темур таваллуд куни

ТЕНГСИЗ САРКАРДА

Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимидаги Ёзёвон тумани ихтисослаштирилган мактаби ҳамда Шарқий ҳарбий округ қўшинлари Фарғона гарнизони Н-ҳарбий қисмининг ҳарбий хизматчилари билан ҳамкорликда Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 687 йиллиги муносабати билан «Амир Темур -буюк соҳибқирон» шиори остида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Ҳарбий прокурор, адлия капитани Хасанбой Эргашев ўқувчиларга буюк саркарда Амир Темур тузган давлат, унинг жанговар йўналишлари ҳақида маълумотлар берди ҳамда ҳамкорлик учун миннатдорчилик билдирди.

Тадбирда мактабнинг иқтидорли ўқувчилари томонидан Соҳибқирон Амир Темур давридаги сиёсий жараёнлар, у қандай давлатни бошқаргани, ҳаётий воқеалари акс этган саҳна кўринишлар намойиш этилди. Ватанни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар даврага кўтаринкилик бағишлади. Ҳарбий қисм хизматчилари томонидан жанговар чиқишлар ҳамда қуроллар кўргазмалари ташкил этилди. Ҳарбийлар томонидан ҳар бир қурол ҳақида ўқувчиларга маълумотлар берилди.

ЁЗЁВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2023-04-05 15:25:07